O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 18 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 23 январда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши аҳолининг озиқлик қимматига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан хавфсиз овқатланишини таъминлашга, самарали бозор механизмларини шакллантириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришга нисбатан татбиқ этилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат захираси – давлат моддий захирасининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган, сақланадиган ҳамда камайишига йўл

қўйилмайдиган ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлган қисми;

ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари – таркиби ва миқдори бўйича аҳолининг хавфсиз овқатланиш рационининг асосини ташкил этадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

озиқ-овқат баланси – мамлакатнинг ички истеъмол талабини қоплаш манбаларини кўрсатган ҳолда аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш истиқболларини баҳолаш ва ҳисоблаш тизими;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захираси – озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини барқарор сақлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг ўзгарувчан ҳажмларда сақланиши;

озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги – мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки муайян минтақасида озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларининг етишмаслиги ҳолати;

озиқ-овқат хавфсизлиги – аҳолининг соғлом ҳамда фаол ҳаёт кечириши учун ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ ва узлуксиз таъминланиши;

хавфсиз овқатланиш – тананинг ички муҳити барқарорлигини таъминлайдиган ва турли шароитларда атроф-муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирига қаршилик кўрсата оладиган, инсон организмининг функционал фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган, организмнинг энергетик ва биокимёвий эҳтиёжларига мувофиқ инсоннинг физиологик жиҳатдан озиқлик қимматига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминланиши;

хомашё – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат ингредиентлари.

5-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги асосий принциплар

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши барқарорлиги;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлиги (ошкоралиги);

озиқ-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш;

аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда камситишга йўл қўйилмаслиги.

6-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг минимал нормаларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини шакллантириш;

аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда ва узлуксиз таъминлаш имкониятларини кенгайтириш;

озиқ-овқат маҳсулотларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш, шунингдек ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ва импорти ўртасидаги мақбул мувозанатни сақлаш;

озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг хавфсиз овқатланиши соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорининг эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиш.

2-боб. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасини тартибга солиш

7-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги юзага келганда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни белгилайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то уларни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараённи такомиллаштиришнинг устувор инновацион усулларини белгилайди;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш тармоқларини, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги хавфларнинг олдини олиш жараёнлари устидан бошқарув ва назоратни амалга оширади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

келгуси йил учун озиқ-овқат балансларини тасдиқлайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги юзага келган тақдирда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга доир қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни амалга оширади;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорини барқарорлаштиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг ўзгарувчанлигини, шунингдек уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хомашё етиштиришни ривожлантириш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархлари ўсишининг олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

келгуси йил учун ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсига бўлган эҳтиёжнинг прогноз ҳажмларини ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши юзасидан чора-тадбирлар кўради;

давлат захирасини ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини ташкил этиш механизмларини такомиллаштиради;

бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси ассортиментини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

келгуси йил учун озиқ-овқат балансини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илмий-амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги майдонларини кенгайтиришга ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтиришга қаратилган илмий ишланмаларни амалга оширади;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ички истеъмол бозорини ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг барқарорлигини сақлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

давлат захирасини бошқаришни амалга оширади, унинг сақланиши, фойдаланиши ва янгиланиши тизимини такомиллаштиради;

давлат захирасида ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасида сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нормаларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда таъминланганлик даражасини баҳолашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини, истеъмол, импорт ва экспорт кўрсаткичларини таҳлил қилади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасига инвестицияларни жалб этади;

ваколатли давлат органи билан биргаликда ички бозордаги талабни мунтазам ўрганиш асосида, зарур бўлганда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган божхона божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида санитария қоидалари, нормалари ҳамда гигиена нормативларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади, шу жумладан генетик модификация қилинган организмлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан назоратни амалга оширади;

хомашё, кимёвий ҳамда биологик синтез қўшимчаларини ишлаб чиқариш чоғида хавфсизлик кўрсаткичларига риоя этилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг илмий асосланган нормаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ўзгаришларнинг хавфсиз овқатланиш ҳамда аҳоли саломатлиги кўрсаткичларига таъсири мониторинги ва таҳлилини амалга оширади;

аҳолининг овқатланиши билан боғлиқ юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасига, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини оширишга қаратилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захираси тасдиқланган нормалар асосида шакллантирилишини ташкил этади;

озиқ-овқат балансини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирлардаги иштироки

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

3-боб. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

15-модда. Озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан кўриладиган чоралар

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан кўриладиган чоралар қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат захирасини яратиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини яратиш;

айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки ундан олиб чиқишни тартибга солиш;

ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини аҳоли йиллик эҳтиёжларининг камида саксон фоизи миқдорида бўлишини таъминлаш.

16-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади ва асосий йўналишлари

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш ҳисобига қаноатлантиришдан иборат.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини қўллаш, мелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳамда ирригация тизимларини бошқариш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш;

озиқ-овқат саноатини инновацион технологиялар ва ишланмалар билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш, унинг ташкилий ҳамда иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш жараёнларига ресурс тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини сақлаш ҳамда ташиш инфратузилмасини ривожлантириш;

озиқ-овқат хавфсизлиги мониторингини ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги бошқа тадбирларни қонунчиликка мувофиқ ўтказиш.

17-модда. Озиқ-овқат балансини шакллантириш

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нормалари мамлакатнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларига асосан ҳар уч йилда қайта кўриб чиқилади.

Ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли нормалари асосида, талаб этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш прогноз

кўрсаткичлари ва ҳолатини таҳлил қилиш орқали озиқ-овқат балансини ишлаб чиқади.

Озиқ-овқат баланси қуйидагиларни ўз ичига олади:

аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захиралари билан энг кўп ҳамда мақбул таъминланганлик даражасини.

18-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси

Аҳоли сони, жинси, ёши ва ҳудудий шароитларни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини реал вақт режимида баҳолаш ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган хавфларни прогноз қилиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси ваколатли давлат органи томонидан шакллантирилади ва юритилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасида қуйидагилар акс эттирилади:

озиқ-овқат баланси тўғрисидаги ахборот;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш ҳолати;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг экспорти ҳамда импорти ҳақидаги маълумотлар;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг истеъмол динамикаси;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги мақсадли дастурларнинг бажарилиши;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар ва стандартлар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасидаги ахборот барча учун очиқ бўлиши керак, бундан ошкор этилиши қонун билан чекланган ахборот мустасно.

4-боб. Истеъмолчиларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19-модда. Истеъмолчиларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сотиб олинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисида зарурий, ишончли ва очиқ ахборотни олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг асоссиз оширилиши, сунъий тақчилликнинг юзага келиши хусусида тегишли органларга мурожаат қилиш;

ўзининг овқатланишга бўлган физиологик эҳтиёжини қондириш учун ўз ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмайдиган сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини эркин танлаш;

ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисида тегишли давлат назорати органларини хабардор қилиш;

ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчининг (сотувчининг) ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган моддий зиённинг ўрни қопланиши, маънавий зарар компенсация қилиниши;

бузилган ҳуқуқларини ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ва бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш.

Истеъмолчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Истеъмолчилар:

озиқ-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланиши;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши шарт.

Истеъмолчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

20-модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ассортиментини эркин танлаш;

озиқ-овқат баланси тўғрисида ишончли ахборот олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захиралари ҳақида маълумот олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг истеъмол динамикаси тўғрисида маълумот олиш;

ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини эркин реализация қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хомашёни қайта ишлашда ресурс тежайдиган ва хавфсиз технологиялардан фойдаланиши;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда муомалага киритиш чоғида уларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши;

истеъмолчиларга етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ хавфларни камайтириш ёки бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириши;

ўзи ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги зарурий, ишончли ва очиқ ахборотни истеъмолчига ўз вақтида тақдим этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамиятини тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

24-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисида назарда тутилган Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 3 февраль
№ ЎРҚ–1023

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

О продовольственной безопасности

Принят Законодательной палатой 18 октября 2024 года
Одобрен Сенатом 23 января 2025 года

Глава 1. Общие положения

Статья 1. Цель настоящего Закона

Целью настоящего Закона является регулирование отношений в сфере продовольственной безопасности.

Статья 2. Законодательство о продовольственной безопасности

Законодательство о продовольственной безопасности состоит из настоящего Закона и иных актов законодательства.

Если международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены законодательством Республики Узбекистан о продовольственной безопасности, то применяются правила международного договора.

Статья 3. Сфера применения настоящего Закона

Действие настоящего Закона распространяется на обеспечение безопасного питания населения продуктами питания, обладающими пищевой ценностью, формирование эффективных рыночных механизмов и производство пищевых продуктов и сырья.

Статья 4. Основные понятия

В настоящем Законе применяются следующие основные понятия:

государственный резерв – часть государственного материального резерва, состоящая из основных видов социально значимых продуктов питания, закупаемых, хранящихся и не подлежащих сокращению для государственных нужд;

основные виды социально значимых продуктов питания – продукты питания, составляющие по составу и количеству основу рациона безопасного питания населения и определяемые Кабинетом Министров Республики Узбекистан;

продовольственный баланс – система оценки и расчета перспектив обеспечения населения основными видами социально значимых продуктов питания с указанием источников покрытия внутреннего потребительского спроса страны;

оборотный резерв продуктов питания и сырья – хранение пищевых продуктов и сырья в переменных объемах в целях стабильного поддержания рынка продовольствия;

дефицит продуктов питания – состояние нехватки некоторых видов продуктов питания на всей территории или в определенном регионе страны;

продовольственная безопасность – полное и бесперебойное обеспечение основными видами социально значимых продуктов питания для здоровой и активной жизни населения;

безопасное питание – полноценное обеспечение в физиологическом отношении человека продуктами питания, обладающими питательной ценностью, в соответствии с энергетическими и биохимическими потребностями организма, которые могут обеспечить стабильность внутренней среды тела и противостоять воздействию неблагоприятных факторов окружающей среды в различных условиях, поддерживать функциональную активность организма человека;

сырье – сельскохозяйственная и лесная продукция и пищевые ингредиенты, используемые в производстве продуктов питания.

Статья 5. Основные принципы в сфере продовольственной безопасности

Основными принципами в сфере продовольственной безопасности являются:

стабильность обеспечения населения основными видами социально значимых продуктов питания;

прозрачность и открытость (гласность) информации о продовольственной безопасности;

рациональное использование продуктов питания;

недопущение дискриминации при обеспечении населения основными видами социально значимых продуктов питания.

Статья 6. Основные направления государственной политики в сфере продовольственной безопасности

Основными направлениями государственной политики в сфере продовольственной безопасности являются:

формирование оборотного резерва продуктов питания и сырья в соответствии с минимальными нормами потребления продуктов питания;

расширение возможностей адекватного и бесперебойного обеспечения населения основными видами социально значимых продуктов питания;

поощрение производства продуктов питания в соответствии с санитарными, ветеринарными, ветеринарно-санитарными, фитосанитарными правилами и нормами, установленными актами законодательства;

активизация внешнеэкономической деятельности, а также поддержание надлежащего баланса между экспортом и импортом основных видов социально значимых продуктов питания;

обеспечение эффективности деятельности в сфере продовольственной безопасности и безопасного питания населения;

осуществление постоянного мониторинга потребностей рынка продуктов питания и сырья.

Глава 2. Регулирование сферы продовольственной безопасности

Статья 7. Органы, осуществляющие деятельность в сфере продовольственной безопасности

Органами, осуществляющими деятельность в сфере продовольственной безопасности, являются:

Кабинет Министров Республики Узбекистан;

Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан;

Министерство экономики и финансов Республики Узбекистан;

Министерство инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан;

Комитет санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан;

органы исполнительной власти на местах.

Республиканские органы исполнительной власти и иные организации, не указанные в части первой настоящей статьи, участвуют в деятельности в сфере продовольственной безопасности в порядке, установленном законодательством.

Статья 8. Полномочия Кабинета Министров Республики Узбекистан в сфере продовольственной безопасности

Кабинет Министров Республики Узбекистан:

обеспечивает реализацию единой государственной политики в сфере продовольственной безопасности;

определяет оперативные меры по обеспечению продовольственной безопасности в случае возникновения дефицита продуктов питания в Республике Узбекистан;

утверждает и организует реализацию государственных программ в сфере продовольственной безопасности, а также обеспечивает контроль за их выполнением;

определяет приоритетные инновационные методы совершенствования процесса от производства продуктов питания до их доставки потребителю;

определяет меры по комплексной поддержке отраслей производства продуктов питания и сырья, а также хозяйствующих субъектов в сфере продовольственной безопасности;

осуществляет управление и контроль за процессами предотвращения рисков в сфере продовольственной безопасности;

принимает решения об экономической поддержке и стимулировании хозяйствующих субъектов в сфере продовольственной безопасности;

утверждает продовольственные балансы на следующий год;

определяет порядок формирования и ведения базы данных о продовольственной безопасности.

Кабинет Министров Республики Узбекистан может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Статья 9. Полномочия Министерства сельского хозяйства Республики Узбекистан в сфере продовольственной безопасности

Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан является уполномоченным государственным органом в сфере продовольственной безопасности (далее – уполномоченный государственный орган).

Уполномоченный государственный орган:

реализует единую государственную политику в сфере продовольственной безопасности;

участвует в разработке и реализации государственных программ в сфере продовольственной безопасности;

принимает участие в реализации оперативных мер по обеспечению продовольственной безопасности в случае возникновения дефицита продуктов питания в Республике Узбекистан;

координирует деятельность республиканских органов исполнительной власти и органов исполнительной власти на местах в сфере продовольственной безопасности;

готовит предложения по поддержке деятельности, связанной с производством продуктов питания и сырья, и представляет их в Кабинет Министров Республики Узбекистан;

разрабатывает краткосрочные, среднесрочные и долгосрочные стратегии совершенствования и развития процессов производства продуктов питания на основе изучения факторов, негативно влияющих на продовольственную безопасность;

осуществляет сбор и анализ информации о состоянии дел в сфере продовольственной безопасности;

разрабатывает меры, направленные на стабилизацию рынка продуктов питания и сырья, смягчение колебаний цен на продукты питания и сырье, а также их негативных последствий;

готовит предложения по развитию производства продуктов питания и выращиванию сырья, а также по предотвращению роста цен на продукты питания и сырье;

разрабатывает прогнозные объемы потребности в основных видах социально значимых продуктов питания и сырье на следующий год, принимает меры по их выполнению;

совершенствует механизмы организации государственного резерва и оборотного резерва продуктов питания и сырья;

разрабатывает предложения по расширению ассортимента на рынке продуктов питания и сырья, диверсификации производства импортозамещающих продуктов питания и сырья;

разрабатывает и представляет в Кабинет Министров Республики Узбекистан продовольственный баланс на следующий год;

реализует научно-практические и инновационные проекты в сфере продовольственной безопасности;

реализует научные разработки, направленные на расширение сельскохозяйственных площадей и повышение урожайности сельскохозяйственных культур, снижение потерь при производстве продуктов питания;

формирует и ведет базу данных о продовольственной безопасности;

организует подготовку, переподготовку и повышение квалификации кадров в сфере продовольственной безопасности;

развивает международное сотрудничество в сфере продовольственной безопасности.

Уполномоченный государственный орган может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Статья 10. Полномочия Министерства экономики и финансов Республики Узбекистан в сфере продовольственной безопасности

Министерство экономики и финансов Республики Узбекистан:

участвует в реализации государственной политики в сфере продовольственной безопасности;

разрабатывает меры по развитию внутреннего потребительского рынка и поддержанию стабильности цен на продукты питания и сырье;

участвует в разработке и реализации государственных программ в сфере продовольственной безопасности;

осуществляет управление государственным резервом, совершенствует систему его хранения, использования и обновления;

подготавливает предложения по установлению норм пищевой продукции, хранящейся в государственном резерве и оборотном резерве продуктов питания и сырья;

осуществляет сбор, анализ и оценку уровня обеспеченности населения основными видами социально значимых продуктов питания.

Министерство экономики и финансов Республики Узбекистан может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Статья 11. Полномочия Министерства инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан в сфере продовольственной безопасности

Министерство инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан:

участвует в реализации государственной политики в сфере продовольственной безопасности;

участвует в разработке и реализации государственных программ в сфере продовольственной безопасности;

анализирует производственные мощности, показатели потребления, импорта и экспорта основных видов социально значимых продуктов питания;

привлекает инвестиции в сферу продовольственной безопасности;

при необходимости, готовит предложения по пересмотру ставок таможенных пошлин на продукты питания совместно с уполномоченным государственным органом на основе регулярного изучения спроса на внутреннем рынке.

Министерство инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Статья 12. Полномочия Комитета санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан в сфере продовольственной безопасности

Комитет санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан:

участвует в реализации государственной политики в сфере продовольственной безопасности;

участвует в разработке и реализации государственных программ в сфере продовольственной безопасности;

разрабатывает и утверждает санитарные правила, нормы и гигиенические нормативы в сфере продовольственной безопасности;

участвует в обеспечении безопасности пищевых продуктов, в том числе осуществляет контроль за продуктами питания, произведенными с использованием генетически модифицированных организмов;

разрабатывает и реализует меры по соблюдению показателей безопасности при производстве сырья, добавок химического и биологического синтеза;

разрабатывает и утверждает научно обоснованные нормы потребления пищевых продуктов;

осуществляет мониторинг и анализ воздействия изменений в сфере продовольственной безопасности на показатели безопасного питания и здоровья населения;

проводит научные исследования по внедрению технологий производства продуктов питания, направленных на профилактику неинфекционных заболеваний, связанных с питанием населения, повышение качества и безопасности продуктов питания.

Комитет санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Статья 13. Полномочия органов исполнительной власти на местах в сфере продовольственной безопасности

Органы исполнительной власти на местах:

участвуют в реализации государственной политики в сфере продовольственной безопасности;

разрабатывают и реализуют целевые территориальные программы в сфере продовольственной безопасности;

организуют формирование оборотного резерва продуктов питания и сырья на основе утвержденных норм;

участвуют в разработке и реализации продовольственного баланса.

Органы исполнительной власти на местах могут осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Статья 14. Участие негосударственных некоммерческих организаций в мероприятиях по обеспечению продовольственной безопасности

Негосударственные некоммерческие организации:

участвуют в разработке программ в сфере продовольственной безопасности;

осуществляют общественный контроль в сфере продовольственной безопасности.

Негосударственные некоммерческие организации могут участвовать и в других мероприятиях по обеспечению продовольственной безопасности.

Глава 3. Государственная поддержка сферы продовольственной безопасности

Статья 15. Меры, принимаемые государством по недопущению дефицита продуктов питания

Республиканские органы исполнительной власти и органы исполнительной власти на местах, в пределах своих полномочий, принимают меры по недопущению дефицита продуктов питания.

Меры, принимаемые государством по недопущению дефицита продуктов питания, включают:

создание государственного резерва;

создание оборотного резерва продуктов питания и сырья;

регулирование ввоза на территорию Республики Узбекистан или вывоза с нее отдельных видов продуктов питания и сырья;

обеспечение объема производства основных видов социально значимых продуктов питания в размере не менее восьмидесяти процентов от годовых потребностей населения.

Статья 16. Цель и основные направления государственной поддержки в сфере продовольственной безопасности

Целью государственной поддержки в сфере продовольственной безопасности является удовлетворение потребностей населения страны в основных видах социально значимых продуктов питания за счет производства местных пищевых продуктов и сырья.

Основными направлениями государственной поддержки в сфере продовольственной безопасности являются:

развитие материально-технической базы производителей продуктов питания и сырья с учетом эффективности применения сельскохозяйственной техники и оборудования, осуществления мелиоративных мероприятий и управления ирригационными системами;

финансирование программ обеспечения пищевой промышленности инновационными технологиями и разработками, совершенствование ее организационных и экономических механизмов;

широкое внедрение ресурсосберегающих технологий в процессы производства, переработки и хранения продуктов питания и сырья;

развитие инфраструктуры хранения и транспортировки продуктов питания и сырья;

проведение мониторинга продовольственной безопасности и других мероприятий в сфере продовольственной безопасности в соответствии с законодательством.

Статья 17. Формирование продовольственного баланса

Нормы потребления продуктов питания пересматриваются каждые три года на основе демографических, социальных и экономических показателей страны.

Уполномоченный государственный орган совместно с Министерством экономики и финансов Республики Узбекистан и другими заинтересованными организациями разрабатывает продовольственный баланс путем анализа прогнозных показателей

и состояния производства востребованных продуктов питания на основе норм потребления продуктов питания.

Продовольственный баланс включает в себя:

уровень обеспеченности населения основными видами социально значимых продуктов питания;

максимальный и оптимальный уровень обеспеченности рынка продуктов питания и сырья оборотными запасами продуктов питания и сырья.

Статья 18. База данных о продовольственной безопасности

С целью оценки продовольственной безопасности в режиме реального времени и прогнозирования возможных рисков с учетом численности населения, пола, возраста и территориальных условий формируется база данных о продовольственной безопасности.

База данных о продовольственной безопасности формируется и ведется уполномоченным государственным органом.

В базе данных о продовольственной безопасности отражается следующее:

информация о продовольственном балансе;

состояние производства продуктов питания и сырья;

сведения об экспорте и импорте продуктов питания и сырья;

динамика потребления продуктов питания и сырья;

выполнение целевых программ в сфере продовольственной безопасности;

нормативно-правовые акты, технические регламенты и стандарты в сфере продовольственной безопасности.

Информация, содержащаяся в базе данных о продовольственной безопасности, должна быть доступной для всех, за исключением информации, разглашение которой ограничено законом.

Глава 4. Права и обязанности потребителей, хозяйствующих субъектов в сфере продовольственной безопасности

Статья 19. Права и обязанности потребителей в сфере продовольственной безопасности

Потребители имеют право:

получать необходимую, достоверную и доступную информацию о приобретаемых продуктах питания;

обращаться в соответствующие органы по поводу необоснованного повышения цен на продукты питания и сырье, возникновения искусственного дефицита;

свободно выбирать продукты питания для удовлетворения своей физиологической потребности в питании, качество которых не представляет угрозы для их жизни и здоровья;

информировать соответствующие государственные контролирующие органы об опасных для его жизни и здоровья продуктах питания;

на возмещение материального ущерба, компенсацию морального вреда, причиненных вследствие потребления ими продуктов питания опасных для жизни и здоровья, а также незаконными действиями (бездействием) производителя (продавца) продуктов питания;

обращаться в суд и другие уполномоченные государственные органы за защитой нарушенных прав или охраняемых законом интересов.

Потребители могут иметь и иные права в соответствии с законодательством.

Потребители обязаны:

рационально использовать продукты питания;

соблюдать требования законодательства о продовольственной безопасности, а также правила хранения и использования продуктов питания.

Потребители могут нести и иные обязанности в соответствии с законодательством.

Статья 20. Права и обязанности хозяйствующих субъектов в сфере продовольственной безопасности

Хозяйствующие субъекты имеют право:

на свободный выбор ассортимента продукции собственного производства;

получать достоверную информацию о продовольственном балансе;

получать информацию об оборотных резервах продуктов питания и сырья;

получать информацию о динамике потребления продуктов питания и сырья;

на свободную реализацию произведенной продуктов питания.

Хозяйствующие субъекты обязаны:

использовать ресурсосберегающие и безопасные технологии при производстве продуктов питания и переработке сырья;

обеспечивать при производстве и введении в оборот продуктов питания их соответствие требованиям актов законодательства и технических регламентов;

осуществлять совместно с государственными органами меры по снижению или устранению рисков, связанных с поставляемыми потребителям продуктами питания;

своевременно предоставлять потребителю необходимую, достоверную и доступную информацию о производимых (реализуемых) ими продуктах питания.

Хозяйствующие субъекты могут иметь и иные права и нести другие обязанности в соответствии с законодательством.

Глава 5. Заключительные положения

Статья 21. Разрешение споров

Споры в сфере продовольственной безопасности разрешаются в порядке, установленном законодательством.

Статья 22. Ответственность за нарушение законодательства о продовольственной безопасности

Лица, виновные в нарушении законодательства о продовольственной безопасности, несут ответственность в установленном порядке.

Статья 23. Обеспечение исполнения, доведения, разъяснения сути и значения настоящего Закона

Министерству сельского хозяйства Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 24. Приведение законодательства в соответствие с настоящим Законом

Кабинету Министров Республики Узбекистан:

в течение шести месяцев со дня официального опубликования настоящего Закона разработать и утвердить Порядок формирования и ведения базы данных о продовольственной безопасности, предусмотренный абзацем десятым части первой статьи 8 настоящего Закона;

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

Статья 25. Вступление в силу настоящего Закона

Настоящий Закон вступает в силу по истечении шести месяцев со дня его официального опубликования.

Президент
Республики Узбекистан **Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,
3 февраля 2025 года
№ ЗРУ–1023